

## 14-дарс Сувга чўмиш маросими

Анвар исмли бу йигитнинг боши қотган. Ўтган йили у Исо Масиҳга имон келтирди. Янги ҳаётга эга бўлгач у имонда тобора ўсиб бормоқда. Яқинда бир имонли унга: “Сен тезроқ сувга чўмиш маросимдан ўтишинг керак” – деди. Бу борада Анварда жуда кўп саволлар пайдо бўлди:



Келинг, ушбу дарсда Анварнинг ҳар бир саволига алоҳида жавоб беришга ҳаракат қилайлик.

### “Сувга чўмиш маросими ўзи нима?”

- 1 Муқаддас Китобда биз Яхё чўмдирувчи одамларни Иордан дарёсида сувга чўмдиргани ҳақида ўқиймиз. У Исони ҳам сувга чўмдирган. Бугунги кунда Масиҳнинг издошлари бу маросимдан дарёда ёки сув ҳавзаларида, сув остига бир неча сонияга чўмиш орқали ўтадилар. Бунинг яна бир усули сувни бошдан қуйиш ёки сепиш орқали амалга оширилади.

Ҳар бир имонли ушбу муҳим маросимдан ҳаётда фақат бир марта ўтади. Бу маросим қандай аталади? \_\_\_\_\_

### “Нима учун сувга чўмиш маросимдан ўтишим керак?”

- 2 Сувга чўмиш маросимдан ўтишимизга сабаб шуки, буни бизга Раббимиз Исо буюрган. У шундай деган:

“Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиринглар”

(Матто 28:19)

Бу жуда муҳим оят. Сиздан ушбу оятни ҳозир ёд олишни сўраймиз.



- 3 Масихнинг амрига кўра, ҳаворий Бутрус Қуддусда йиғилган катта халойиққа: “Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масихнинг номи билан сувга чўминглар”, деди. (Ҳаворийлар 2:38) Ўша куни уч мингта одам тавба қилди ва сувга чўндирилди!

Нима учун сувга чўмиш маросимидан ўтишим керак? (фақат битта жавоб вариантини белгиланг)

- \_\_\_ а) Бу маросимдан ўтишни истаганим учун;  
 \_\_\_ б) Имонли дўстларим менинг ушбу маросимдан ўтишимни истаганлари учун;  
 \_\_\_ в) Раббимиз Исо буни амр этгани учун.

“Сувга чўмиш маросими нимани кўрсатади?”



Сувга чўмиш маросими ўзига хос маънога эга. Муқаддас Китобга кўра, сувга чўмиш маросими куйидагиларни кўрсатади:

- А. Мен Исо Масихга тегишли янги шахсман;  
 Б. Менинг гуноҳларим тамомила ювилган;  
 В. Мен Масихнинг жамоатига қўшилдим;

Энди келинг, ушбу ажойиб ҳақиқатлар ҳақида кўпроқ билиб олайлик.

**А) Мен Исо Масихга тегишли янги шахсман.**

- 4 Айримлар сувга чўмиш маросимидан ўтишдан кўрқишади. Кўрқманг, бу маросим вақтида сиз бир неча сониягагина сув остига чўмасиз ва бу хавfli эмас. Ушбу маросим Масихга юз бурганимизда биз билан нима бўлганини ифода этувчи муҳим тимсол бўлиб хизмат қилади. Буни худдики эски, гуноҳкор табиатимизнинг сувга ғарқ бўлиши ва бизнинг Исо Масихга тегишли бўлган ҳолда янги ҳаётга қадам қўймоқ учун сувдан чиқишимизга қиёслаш мумкин!

Ҳаракатлар билан уларга тегишли маъноларни чизиқлар ёрдамида уланг:

Ҳаракат

Унинг маъноси

- |                     |   |
|---------------------|---|
| а) Сувга чўмиш      | 1. Мен Исо Масихда янги шахс бўлиб кўтариламан; |
| б) Сувдан кўтарилиш | 2. Менинг эски табиатим ўлди.                   |

- 5 Шундай қилиб, сувга чўмиш маросими менинг эски табиатимга якун ясалгани ва эндиликда менинг Масихга тегишли янги шахс бўлганимни ифода этади.

Худонинг Каломи шундай дейди:



“Биз сувга чўмдирилиб, Масих билан бирга ўлдик ва кўмилдик. Отамиз Худонинг улуғвор қудрати билан Исо Масих ўликдан тирилганидай, биз ҳам янги ҳаётга эга бўламиз”

(Римликларга 6:4)

Сувга чўмиш маросими қайси биринчи ҳақиқатни кўрсатиб беради? (*тўғри жавобни тагига чизиб белгиланг*)

[ Мен Исо Масихга тегишли янги шахсман / Мен ҳануз эски, гуноҳкор табиатимга эгаман ]

- 6 Сувга чўмиш маросимидан ўтган бўлсангиз, сувдан чиққач қандай кечинмаларни ҳис этганингизни эсланг? Муҳокама вақтида бу ҳақда фикр алмашишга тайёр бўлинг.
- 7 Бахтиёр эски динидан қайтиб, Масихга имон келтирди. Сувга чўмиш маросимидан кейинги кечинмаларини у шундай сўзлар билан изоҳлайди:

“Мен эски, гуноҳкор табиатим ўлганини, ўзимни Худога бағишлаганимни, Унинг янги ижоди бўлиб туғилганимни ҳис этдим. Мен энди дўстларим билган, шайтонга яқин бўлган аввалги Бахтиёр эмасман. Мен гуноҳлари кечирилган, янгидан туғилган, Худонинг Руҳи етакловида яшаётган янги Бахтиёрман. Аввалги Бахтиёр энди йўқ, унинг ўрнига Масихга тегишли янги Бахтиёр пайдо бўлди. Сувдан чиққанимда ўзимнинг янги инсон, Худонинг ижоди бўлиб туғилганимни ҳис этдим!”

Юқорида келтирилган ҳикояда Бахтиёр “янги” деган сўзни неча марта ишлатди? \_\_\_\_ марта (*уларни тагига чизиб белгиланг*)

- 8 Сувга чўмиш маросими қайси биринчи ҳақиқатни кўрсатади?  
Мен Масихга тегишли \_\_\_\_\_ шахсман.

### **Б) Менинг гуноҳларим тамомила ювилган**

- 9 Ҳаворийлар 22:16 да сувга чўмиш маросимига оид иккинчи ҳақиқат ҳақида сўз боради: “..., сувга чўмгин. Раббимизга илтижо қилиб, гуноҳларингни ювгин”.

Ушбу оятга кўра сувга чўмдириш маросими қайси ҳақиқатни кўрсатади? (*битта жавоб вариантини белгиланг*)

- \_\_\_ а) Мен Исо Масихда янги шахсман;  
\_\_\_ б) Менинг гуноҳларим тамомила ювилган.



- 10 Тажрибамиз асосида шуни биламизки, вузуъ (ислом амалиётида юз, қўл ва оёқни ювиш, яъни кичик таҳорат деб юритилади) ва ҳатто ғусл (бошдан оёқ ювиниш, яъни тўлиқ таҳорат деб юритилади) ҳам гуноҳларимиз ювилиши учун етарли эмас. Сув баданимизни ювади холос, виждонимизни ва юрагимизни у гуноҳдан поклай олмайди.

Шу ўринда сувга чўмиш маросими Масиҳ юрагимизда ҳосил қиладиган руҳий покланишнинг ёрқин ташқи тимсоли бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун У хочда Ўз жонини фидо қилди.

**1 Юҳанно 1:7 ни ўқинг** (*Эътибор беринг, Муқаддас Каломда 1 Юҳанно мактуби билан Юҳанно баён этган Хушxabар иккита ҳар хил китоблардир. Бу китобни Мундарижадан топинг*).

1 Юҳанно 1:7 га кўра бизни ҳар қандай гуноҳдан нима поклайди?

\_\_\_\_\_

- 11 Ўз ҳаёти давомида жуда кўп одамларни сувга чўмдирган ҳаворий Бутрус ҳам бу маросим ҳақида 1 Бутрус 3:18-22 да ёзиб ўтади. Мазкур парчани изоҳлаш осон эмас. Бироқ унинг асосий мазмуни шундай фикрларни етказди:

- Биз Масиҳнинг азоблари (18-оят) ва Унинг тирилгани туфайли нажот топамиз. (21-оят)
- Сув мана шу нажотимизнинг тимсолидир (21-оят) Нуҳ учун ҳам худди шундай бўлган. (20-оят)

Қайси маросим менга гуноҳларим тамомила ювилганини эслатиб туради (*битта жавоб вариантини белгиланг*)

- \_\_\_ а) Сувга чўмиш маросимидан ўтиш;
- \_\_\_ б) Менинг никоҳ тўйим;
- \_\_\_ в) Менинг дафн этилишим.

### **В) Мен Масиҳнинг жамоатига қўшилдим**

- 12 Сувга чўмиш маросимидан ўтиб биз омма олдида бутун жаҳон имонлилари жамоати (Масиҳнинг уммати) га қўшилаемиз. Биз турли ирқ вакиллари, эркаклар ва аёллар бир уммат бўлиб бирлашганмиз: *“Ахир, биз ҳаммамиз... бир тана бўлишимиз учун бир Муқаддас Руҳга чўмдирилдик”* (1 Коринфликларга 12:13).

Сувга чўмиш маросими кўрсатадиган учинчи ҳақиқат нимадан иборат?

Мен Масиҳнинг \_\_\_\_\_ қўшилдим.



- 13 Сувга чўмиш маросими фақат сиз учун эмас, балки бутун имонлилар жамоати учун ўтказилади. Жамоат аъзолари сизнинг сувга чўмдирилганингизни тасдиқлайди ва маросимдан ўтганингиздан кейин улар сизни шундай сўзлар билан табриклаши мумкин:



“Раббимизнинг оиласига қўшилганингиздан хурсандмиз! Биз бирга Масиҳ танасининг узвларимиз; биз бирга танҳо Худо бўлмиш Самовий Отанинг фарзандларимиз; биз Масиҳ билан бирга Худо шоҳлигининг баракаларини баҳам кўрамиз. Хуш келибсиз!

➤ **Нақадар бахтлимиз, ахир “Худонинг танланган халқи” бизни қутламоқда! Бир муддат тўхтаб, биродарларингиз ва опа-сингилларингиз учун Худога раҳмат айтинг.**

14 Сувга чўмиш маросими қандай учта ҳақиқатни кўрсатиб беради? (бўш жойларни тўлдиринг)

а) Мен Масиҳга тегишли \_\_\_\_\_

б) Менинг \_\_\_\_\_ тамомила ювилган.

в) Мен Исо Масиҳнинг \_\_\_\_\_ қўшилдим.

Анвар бу ҳақиқатларни билиб жуда хурсанд бўлди. Энди у шундай савол беради:

**“Сувга чўмдирилишим менинг қутқарилишимга таъсир қиладими?”**

15 Бир томондан ушбу маросимнинг қутқарилишимизда ҳеч қандай аҳамияти йўқ, негаки биз Масиҳга ишониш орқали қутқариламиз, сувга чўмиш орқали эмас. Лекин сувга чўмишни Масиҳ буюрган! Юқорида кўрганимиздек, бу маросим Масиҳга ва Унинг жамоатига тегишли эканимизни кўрсатадиган муҳим белги вазифасини бажаради. Шунинг учун, вақти келганда албатта сувга чўмдирилишингиз керак.

а) Кўп маданиятларда киши бармоғига тақилган никоҳ узук нимадан далолат беради? \_\_\_\_\_

б) Гарчи никоҳ узуги оила қурилиши учун хизмат қиладиган энг зарурий омил бўлмасада, аммо одамнинг кимга содиқ эканлигини кўрсатиб беради?  
\_\_\_\_\_

в) Худди шу тарзда, сувга чўмиш маросимидан ўтиш билан биз кимга бўлган садоқатимиз ҳақида эълон қиламиз? \_\_\_\_\_

16 Сувга чўмиш маросими орқали биз Раббимиз Исо Масиҳга тегишли эканимиздан фахрланишимизни кўрсатамиз. Шу билан бирга биз Масиҳга тегишли биродарларимиз ва опа-сингилларимиз билан бу ҳақида бажонидил бўлишамиз. Сувга чўмиш маросимидан аввал сиздан “ўз гувоҳлигингиз ҳақида” бўлишишни сўрашлари мумкин. Бу ерда сиз Исо Масиҳ ҳаётингизни қандай ўзгартиргани ҳақида қисқача гапириб беришингиз керак бўлади.

Келинг, ҳозир буни машқ қилиб кўрайлик. Тасаввур қилинг, сувга чўмдирилиш олдидан гувоҳлик беряпсиз. Сувга чўмдираётган одам сиздан: “Исо Масиҳ сизнинг ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келди?” – деб сўраса, қандай жавоб берасиз?



Нима дейишингизни ёзинг ва муҳокама қилишга тайёр бўлинг. Агар истасангиз, 2-дарснинг 15-саволида нима ёзганингизни кўриб чиқишингиз мумкин. Бироқ бу ерга гувоҳлигингизни яна ҳам батафсил ёзинг.

---



---



---



---



---

17 а) Сувга чўмиш маросими қутқарилишингизга бевосита таъсир қилади десак, бу тўғри бўладими?

[ Ҳа / Йўқ ]

б) Сувга чўмиш маросими Масихга тегишли эканимизнинг муҳим тимсоли бўлиб хизмат қилади десак, бу тўғри бўладими?

[ Ҳа / Йўқ ]



Ушбу дарсда биз Анварнинг сувга чўмиш маросимига оид турли саволларига жавоб беришга ҳаракат қилдик. Энди унинг энг охирги саволига жавоб беришимиз лозим.

### “Сувга чўмиш маросимидан қачон ўтишим керак?”

18 Айрим имонлилар одам Масихга имон келтирган заҳотиёқ сувга чўндирилиши керак деб ўргатади. Бошқалар эса одам имонда мустаҳкам оёққа туриб олиши учун маълум бир вақт кутиши тўғрироқ бўлишини таъкидлайди. Уларнинг маслаҳатига қулоқ солинг ва шу вақтнинг ўзида Худо Руҳининг айтганларига ҳам эътиборли бўлинг. Эгамизнинг Ўзи бу муҳим қадамни босишда сизни йўналтиради. Бунинг вақти келганини сиз юракдан ҳис этасиз.

То тайёр бўлмагунингизча, одамларнинг ундовига кўнманг, сизни ушбу маросимдан ўтишга шошилтиришларига йўл қўйманг. Бироқ агар Худо сизга вақти келганини айтаётганини сезсангиз, буни кейинга қолдирманг.

Қуйида кўрсатилган қайси ҳаракатларни тўғри деган бўлардингиз? (иккита жавобни белгиланг)

- \_\_\_ а) Сиз ҳақингизда ғамхўрлик қилган, билими бор имонлиларнинг маслаҳатига қулоқ солиш;
- \_\_\_ б) Оқибатлардан кўрқиб, сувга чўмиш маросимидан ўтмаслик;
- \_\_\_ в) Сувга чўмиш маросимидан ўтишни муҳим деб билмаслик;
- \_\_\_ г) Худо сизга сувга чўмиш маросимидан ўтишнинг вақти келганини айтаётганини сезсангиз, бу маросимдан ўтиш.



- 19 Билими бор имонлилар сиз ҳақингизда ғамхўрлик қилишади ва сувга чўмиш борасида тўғри маслаҳатлар беришади. Сувга чўмиш маросимига тайёрланишда сизга ёрдам бера оладиган ишончли одамни топинг.

Сувга чўмиш маросими борасида сизга яхши маслаҳат бера оладиган одамни билсангиз бу ерга белги ( ✓ ) \_\_\_\_ қўйинг. Агар бундай одам бўлмаса, мураббийингиздан маслаҳат сўранг.


- 20 Юқорида сувга чўмиш маросими биз имонлилар учун қандай маъно касб этиши ҳақида мулоҳаза қилдик. Бироқ имонсиз қариндошларимиз учун бу ҳаракатимиз нимани англатиши мумкин? Улар учун бундай ҳаракатингиз сиз улардан очикчасига ажралганингизни билдиради. Буни улар уят ҳисоблаши, ўксиниб оғринишлари табиий.

Бундай ҳолда биз сувга чўмиш маросимидан қандай ўтмоғимиз лозим? (*битта жавоб вариантини белгиланг*)

- \_\_\_ а) Кўрқув билан, шахсий хавфсизлигимиз ҳақида ўйлаб;  
\_\_\_ б) Оиламизни яхши кўрган ҳолда, эҳтиёткорлик билан.

- 21 Бу ерда имонсиз қариндошларимизни ҳисобга олган ҳолда, айрим эҳтиёткорлик чораларини қўллашимиз керак бўлади. Сизнингча, сувга чўмдирилганингиз ҳақида хабар қариндошларингиз шаънига доғ солиб қўймаслигига ишонч ҳосил бўлиши учун қандай эҳтиёт чоралари кўрилмоғи лозим? (*Ўз фикрларингизни ёзинг ва муҳокама қилишга тайёр бўлинг*)
- 
- 

- 22 Турмуш ўртоғи ҳали Масихнинг издоши бўлмаган имонлига бу борада қандай маслаҳат берган бўлардингиз? Бундай имонлининг сувга чўмдирилиши тўғри бўладими ёки у турмуш ўртоғининг имонга келишига умид қилиши ва улар кейинчалик бу қадамни бирга босишини кутиши керакми? (*Ўз фикрларингизни ёзинг ва буни муҳокама қилишга тайёр бўлинг*)
- 
- 



Анварнинг сувга чўмдирилишида айрим эҳтиёт чоралари кўрилсада, бу маросим катта байрам бўлади! Ҳатто самодаги фаришталар ҳам у билан бирга қувонадилар!



**14-ДАРС. АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

Агар ҳали сувга чўндирилмаган бўлсангиз, 19-саволда сиз исмини кўрсатган одам билан бу ҳақда гаплашиб кўринг. Ундан сиз қачон ва қай тарзда сувга чўмиш маросимидан ўтишингиз мумкинлиги борасида маслаҳат олинг. Шу билан бирга Худодан маслаҳат олинг.

**14-ДАРС МАЗМУНИ**

1 Ёд олган оятингизни ёзинг:

“Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар,

\_\_\_\_\_

(Матто \_\_ : \_\_).

2 Сувга чўмиш маросими учта ҳақиқатни очиб беришини билиб олдик. Бу қандай ҳақиқатлар?

а) “Мен \_\_\_\_\_”;

б) “Менинг \_\_\_\_\_”;

в) “Мен Масиҳнинг \_\_\_\_\_ кўшилдим”.

3 Сувга чўмиш маросимидан ўтиш қанчалик муҳим? (15 – 17 саволларни қайтадан кўриб чиқинг ва битта жавобни тагига чизиб белгиланг)

- Бу менинг қутқарилишимда муҳим аҳамиятга эга;
- Бу жуда муҳим маросим;
- Бу кўп муҳим нарса эмас.





**14-ДАРС. ЖАВОБЛАР**

1. Сувга чўмиш маросими
2. Оятни ёд олинг
3. в)
4. а) 2 б) 1
5. Мен Исо Масихга тегишли янги шахсман
6. Ҳар ким ўзи жавоб беради
7. 5
8. янги
9. б)
10. Исонинг қони
11. а)
12. жамоатига
13. Бир муддат тўхтаб, Худога раҳмат айтинг
14. а) янги шахсман; б) гуноҳларим; в) жамоатига
15. а) Кишининг никоҳда эканидан  
б) Турмуш ўртоғига
16. Гуруҳда ўз гувоҳлигингиз ҳақида бўлишишга тайёр бўлинг
17. а) Йўқ б) Ҳа
18. а) ва г)
19. Сизга маслаҳат бера оладиган билимли одамни билсангиз, бўш жойга белги қўйинг
20. б)
21. Муҳокама учун
22. Муҳокама учун

